

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD
03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

МАРУФХАНОВ БЕКЗАДХАН ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

**АРРАЛИ ЖИНДА ЧИГИТ ТАРОҒИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ОРҚАЛИ ЧИГИТ ТУҚДОРЛИГИНИ КАМАЙТИРИШ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга дастлабки ишлов
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Technics Science**

Маруфханов Бекзадхан Хайруллаевич

Аррали жинда чигит тароғини такомиллаштириш орқали чигит
туқдорлигини камайтириш 3

Маруфханов Бекзадхан Хайруллаевич

Снижение опушенности семян в пильном джине путем
совершенствования семенной гребенки 23

Marufkhanov Bekzodkhon Khayrullaevich

Reducing seed hairiness in saw gin by improving the seed comb 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 46

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD
03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ» АЖ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

МАРУФХАНОВ БЕКЗАДХАН ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

**АРРАЛИ ЖИНДА ЧИГИТ ТАРОҒИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ОРҚАЛИ ЧИГИТ ТУҚДОРЛИГИНИ КАМАЙТИРИШ**

**05.06.02–Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга дастлабки ишлов
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда пахта толасини ишлаб чиқариш учун энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида 24 млн. тонна пахта толаси етиштирилиши ва қайта ишланишини ҳисобга олсак»¹, етиштирилган пахта хом ашёсидан сифатли тола ажратиб оладиган машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Тола ишлаб чиқариш хажмини пасайиши оқибатида йўқотиладиган маблағларни икки хил йўл билан – тола таннархини пасайтириш ва сифатини яхшилаш билан маълум миқдорда қоплаш мумкин. Шу жиҳатдан тола ишлаб чиқаришда сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларини такомиллаштириш ва улардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда жинлаш жараёнида толани ажратиб олиш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, толани ажратиб олишни амалга оширадиган энергия-ресурстежамкор машинани ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик жараёни, параметрлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикамизда толани ажратиш жараёнида энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, тола йўқолишини камайтириш имконини берадиган ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Пахта толаси таннархини пасайтириш мақсадида жинлаш жараёнида толани ажратиб олиш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жин учун янги турдаги қисмлар билан жиҳозлаш, модернизация қилинган ишчи камералар ишлаб чиқиш ҳамда унинг технологик параметрлари ва иш режимларини асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш, ёнилғи ва хом ашёлар сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришда энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, тола ишлаб чиқариш жараёнида тола йўқолишини камайтирадиган, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашган машиналарни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Натижада яги техника-технологияларни жорий этилишидан тола ишлаб чиқариш хажми ортади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ <http://www.fao.org/faostat/#>; <https://www.zerno-ua.com>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга, пахта толаси сифатини тубдан яхшилаш, унинг йўқотилишини максимал даражада пасайтириш, электр энегиясини бефойда сарфига йўл қўймасликка қаратилганлиги сабабли, ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республикада фан ва технологияларни ривожланишининг II.«Энергетика, энерго-ресурстежамкорлик» устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аррали жин чигит тароғини такомиллаштириш, ресурстежамкорлигини, машина иш унумдорлигини ошириш, деталларнинг ишчи юзаларини мустаҳкамлигини ошириш ва чиқаётган маҳсулот сифатини ошириш масалалари соҳасида жаҳондаги йирик олимлар, жумладан Г.И. Махмудов (Россия), М.С. Каратаев (Қозоқистон), А.Ф. Плеханов (Қозоқистон), N.Gohlich (АҚШ), N.Singh (Ҳиндистон), Н.М.Иванов (Россия), С.М.Карташевич (Белоруссия) ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Мамлакатимизда ҳам бир қанча олимлар аррали жин машинасини иш унумини ошириш, ресурстежамкор қисмлар билан жиҳозлаш ва жин машинасига сарфланаётган энергия сарфини камайтириш бўйича илмий изланишлар олиб борган. Бундай олимларга Р.Г.Махкамов, П.Н.Тютин, И.Т.Мақсудов, А.Джураев, А.Е.Лугачев, М.Тиллаев, М.Агзамов, Б.М.Мардонов, Н.З.Камалов, А.П.Парпиев, Х.Т.Ахмедходжаев, Д.М.Мухаммадиев ва бошқаларни мисол қилиб айтиш мумкин.

Олиб борилган таҳлил натижалари пахтани қайта ишлаш, хусусан чигит тароғи зонасида пахта хомашёси ва арра тишларининг ўзаро таъсири масалалари етарли даражада ўрганилмаганини кўрсатади. Шу боисдан янги конструкцияли чигит тароғини ишлаб чиқиб, мамлакатимиздаги пахта тозалаш корхоналарига жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти илмий тадқиқот ишлари режасини №ОТ-Итех-2018-86 «Юқори самарали, инновацион, автоматлаштирилган, пахта хом ашёсини жинлашнинг янги усулларидан фойдаланиш асосида яратилган жинни ишлаб чиқариш, корхоналарда жорий этиш» мавзуси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишчи камерадан чигит чиқиш жараёнини такомиллаштириш орқали тола бўйича иш унумдорлигини оширишни назарий-экспериментал асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хом ашё валиги ва арранинг ўзаро таъсири жараёнининг математик моделини ишлаб чиқиш;

хом ашё валигининг кучланганлик-деформацион ҳолатини аниқлаш масаласини ечиш усуллари ишлаб чиқиш ва радиал деформацияланишини таҳлил қилиш;

хом ашё валигининг чигит тароғи зонасидаги солиштирма босими ва деформациясининг қийматларини ҳисоблаш;

чигит тароғининг типи, ўлчамлари, оғиш бурчагини тола чиқишига ва жинлаш жараёнининг бошқа кўрсаткичларига таъсири даражасини аниқлаш;

чигит тароғининг оғиш бурчаги ўзгармас бўлганда қозикларнинг тугаш жойидан колосникларгача бўлган масофанинг тола чиқишига таъсирини таҳлил қилиш;

чигитни чиқариш механизмининг янги конструкциясини ишлаб чиқиш ва тажриба синов ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аррали жин ишчи камерасидан жинланган чигитларни чиқариш механизми олинган.

Тадқиқотнинг предмети пахтани самарали жинлашни амалга оширадиган такомиллаштирилган чигит тароғи ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида дифференциал тенгламаларни ечишнинг сонли, регрессия тенгламалари асосида муқобиллаштиришнинг Ньютон, математик статистиканинг режалаштириш ва тажриба натижаларини қайта ишлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: аррали жинда пахта хом ашёсини арра тишларига йўналтириб берадиган, икки даражадаги ҳаракат эркинлигига эга, янги конструкцияли чигит тароғи ишлаб чиқилган ҳамда жинлаш жараёни такомиллаштирилган;

хом ашё валигининг кучланганлик - деформацион ҳолатини аниқлаш масаласининг сонли ечиш усуллари ишлаб чиқилган; чигит тароғининг типи, ўлчамларининг ўзгариши тола миқдорига, ишчи камерада чигитларни чиқишига таъсири аниқланган;

жинлаш жараёни хом ашё валигини паст зичлигида олиб борилганда, чигит тароғининг оғиш бурчагини ўзгариши жинлаш жараёнига таъсири боғланишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар билан аниқланади:

хом ашё валиги ва арранинг ўзаро таъсири жараёнининг математик моделини ишлаб чиқилди ва улар асосида хом ашё валигининг чигит тароғи зонасидаги солиштирма босими ва деформациясининг қийматларини ҳисобланди;

жиндаги чигитни чиқариш механизмининг икки даражадаги ҳаракат эркинлигига ва қозикларни ўзгартирилган шаклига эга янги конструкцияси яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг мослиги, синов ва жорий этиш бўйича эришилган ижобий натижалар ва таклиф этилган ишчи органлари эга янги жиннинг ҳамда амалдаги жинларнинг қиёсий таҳлиллари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хом ашё валиги ва арранинг ўзаро таъсири жараёнини, хом ашё валигининг радиал деформацияланишини, хом ашё валигининг чигит тароғи зонасидаги солиштирма босими ва деформациясини, чигит тароғининг типи, ўлчамлари, оғиш бурчагини тола чиқишига ва жинлаш жараёнининг бошқа кўрсаткичларига таъсирининг қонуниятлари, чигит тароғининг оғиш бурчаги ўзгармас бўлганда қозикларнинг тугаш жойидан колосникларгача бўлган масофанинг тола чиқишига ва жинлаш жараёнининг бошқа кўрсаткичларига таъсирининг қонуниятлари олинганлиги ҳамда хом ашё валигининг кучланганлик-деформацион ҳолатини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахтадан толани ажратиш жараёнида чигит тароғининг қиялик бурчаги асосида пахта хомашёсини аррага йўналтириб берувчи қўшимча куч яратилганлиги ҳамда юқори иш унумдорлигида ҳам сифатли тола олишга имкон берувчи, электр энергия тежамкор, иқтисодий самарадорлиги юқори бўлган тола ажратиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган аррали жин чигит тароғининг конструкцияси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Аррали жиндаги чигит тароғини такомиллаштириш орқали чигит тукдорлигини камайтириш бўйича олинган натижалар асосида:

Чигит тароғининг янги конструкцияси билан такомиллаштирилган аррали жин “Тошкентпахтасаноат” АЖ нинг “Пискент” пахта тозалаш корхонасида технологик жараёнига жорий этилган (“Ўзпахтасаноат” АЖ нинг 29 май 2020 йилдаги маълумотномаси). Натижада жинлаш технологик жараёнида тола чиқиши 0,3% га ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида жаҳонда энг йирик пахта етиштирувчи мамлакатларда 2018-2019 йилги мавсумда тола тайёрлаш ҳажмлари тўғрисида маълумот келтирилган. Шу билан бирга диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда тадқиқотнинг объект ва предмети белгиланган. Унда тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий ва амалий янгилиги, диссертация ишининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқотларнинг ишлаб чиқаришга жорий этиш натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Аррали жинлар конструкцияларини такомиллаштириш соҳасида амалга оширилган назарий ва амалий тадқиқотларнинг таҳлилий шарҳи»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва АҚШ да ишлаб чиқарилган аррали жинларни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлили келтирилган, илм-фандаги бошқа соҳаларга нисбатан жинлаш технологиясининг ривожланиш даражасига баҳо берилган. Тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ва вазифалари аниқланган.

Бажарилган таҳлил асосида қуйидаги вазифа қўйилди- чигит тароғи зонасида арра тишлари томонидан толали чигитларни тутиб олиш жараёнининг назарий ва экспериментал асосларини ишлаб чиқиш, чигит чиқариш механизмининг чигит тароғининг ҳар икки параметри, яъни қиялик бурчаги ва чигит тароғининг учидан колосникларгача бўлган масофанинг алоҳида бурилишига имкон берадиган, янги конструкциясини яратиш.

Диссертациянинг **«Чигит тароғи зонасида арра тишлари томонидан толали чигитларни тутиб қолиниш жараёнининг назарий тадқиқотлари»** деб номланган иккинчи бобида назарий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган ва у тўрт бўлимдан иборат: хом ашё валиги ва арранинг ўзаро таъсири жараёнининг математик моделини ишлаб чиқиш, хом ашё валигининг чигит тароғининг зонасида арра билан ўзаро таъсирини аниқлаш масаласини қўйилган ва уни ечимлари келтирилган.

Хом ашё валигининг ишчи камерадаги ҳолатини моделлаштиришда қуйидаги шарт қабул қилинди. Хом ашё валиги кўп компонентли таначалардан иборат юпқа қатламли цилиндр шаклида бўлади. Бу ҳолда хом ашё валигининг ташқи радиуси вақт давомида $\langle R_a < b(t) < R_b \rangle$ чегарасида бўлади. Қўйилган мақсадга эришиш учун хом ашё валигининг арра билан ўзаро таъсирининг математик моделини ишлаб чиқиш зарур бўлганлиги сабабли, асосий эътибор кўп қатламлилиқка, кўп компонентлилиқка, зичлик ($\rho = \rho(r)$)га ва компонентларнинг релаксацион хусусиятларига қаратилган. Қурилган математик модел асосида хом ашё валигининг кучланганлик деформацион ҳолати ва бурчак тезлиги ўрганилди. Натижада хом ашё валигининг кучланганлик деформацион ҳолатининг параметрларини ҳисоблаш учун тенламалар системаси олинди.

$$\left. \begin{aligned} EY \frac{\partial K}{\partial t} &= \frac{\partial m}{\partial t} + (M - M_s) \\ EI \frac{\partial k}{\partial t} &= \frac{\partial M}{\partial t} + k * (M - M_s); \\ GA_s \frac{\partial y_0}{\partial t} &= \frac{\partial Q}{\partial t} + k * (Q - Q_s); \\ \frac{\partial M}{\partial x} - Q &= pI \frac{\partial w}{\partial t}; \\ \frac{\partial Q}{\partial x} &= pA \frac{\partial v}{\partial t}; \end{aligned} \right\}$$


(1) ва куйидаги бирлик шартлари топилди :

$$\frac{\partial k}{\partial t} = \frac{\partial w}{\partial x}; \quad \frac{\partial y_0}{\partial t} = \frac{\partial (v + w)}{\partial x}$$


Юқоридаги олтига дифференциал тенгламалар, олти M, k, w, Q, y_0 ва v ноъмалумли хусусий ҳосилалардан иборат системасини

характеристикалар усулида ечиш мумкин.


Юқорида кўрсатилган системани ечиш ва унинг сон қийматларини ҳисоблаш учун ЭХМ-да ҳаракатлар алгоритми тузилди ва унинг асосида блок-схема курилди (Расм 2). ЭХМ-да ҳисобларни бажариш ва дастлабки параметрларни танлаш учун 2,3,4. Расмларда келтирилган махсус ҳисоблаш схемалари тузилди. Релаксация ядросининг куйидаги параметрларини қабул қиламиз : $f(t) = Ae^{-\beta t} \cdot t^{\alpha-1}$, $\nu = 0,3$, $E_0 = 100-200$ ГПа; $G = 20$ МПа; $A = 0,01$; $\alpha = 0.1$, $\beta = 0,001$, $17 \text{ кг/м}^3 < \rho < 500 \text{ кг/м}^3$; $125 \text{ мм} < a(t) < 250 \text{ мм}$.



1-расм. Ҳисоблашлар учун блок схема




2-расм. Боғланишларнинг геометрик ўлчамларини аниқлаш учун схема.




3-расм. Толанинг арра билан ўзаро таъсири параметрларини танлаш схемаси.

3-расм да контакт босимининг ташқи юкламалар таъсирида даврий ҳолда ўзгаришининг вақтга боғлиқлик графиги келтирилган (резонанс ҳолати).

Шу билан бирга хом ашё валиги ташқи чегаралари кўчишининг вақтга боғлиқлик графиклари олинди.(Расм-4).



4-расм.
Боғланиш
босими
нинг
вақтга
нисбат
ан
ўзгари
ши.



5-расм. Боғланишли кўчишнинг вақтга нисбатан ўзгариши.

4 ва 5 расмларда келтирилган графиклардан кўриниб турибдики, маълум вақт давомида хом ашё валигининг аррали цилиндрга боғланиш босими ўзгаради, чунки хом ашё валигининг ташқи чегара қатламининг кўчиши рўй беради. Хом ашё валиги ташқи чегара қатламининг кўчиш қийматлари тўғридан тўғри хом ашё валигининг зичлигига (таранглигига) боғлиқ.

Бажарилган ҳисоблар шуни кўрсатдики, хом ашё валигининг зичлигининг ортиши билан боғланиш босимининг кучи ва хом ашё валиги ташқи чегара қатламининг кўчиш қийматлари пасаяди, бу эса ўз навбатида чигитларнинг жинлашдан кейинги тукдорлигини ошишига сабаблардан бири бўлади.

Назарий тадқиқотлар асосида чигит чиқариш қурилмаларининг янги, хом ашё валигининг арра билан янада муқобил боғланишини таъминлайдиган қурилмаларини ишлаб чиқиш қарорлари қабул қилинди.

Диссертациянинг «Чигит тароғидан фойдаланганда тола чиқишининг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш бўйича амалий тадқиқотлар» деб номланган **учинчи боби** икки қисмдан иборат.

1 бўлим “Чигит тароғи оғиш бурчагининг тола чиқишига ва жинлаш жараёнининг бошқа кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар” чигит тароғи оғиш бурчагининг уч ҳолатида тола чиқишига ва жинлаш жараёнининг бошқа кўрсаткичларига таъсирини ўрганишга бағишланган.

Тажрибалар 6 расмда акс эттирилган стенд ўрнатмасида, чигит тароғи оғиш бурчагининг уч ҳолатида (қиялик бурчагида) ўтказилган бўлиб, улар шартли равишда қуйидагича номланган:

- 1-“қисилган” ҳолат- бунда чигит тароғи қозиқларининг ўқи аррали цилиндрнинг горизонтал ўқидан юқорига йўналтирилган;
- 2-“ўрта” ҳолат- бунда чигит тароғи қозиқларининг ўқи аррали цилиндрнинг марказига йўналтирилган;

3- “бўшатиш” ҳолат -бунда чигит тароғи қозикларининг ўқи аррали цилиндрнинг горизонтал ўқидан қуйига йўналтирилган;



6-расм. 30 аррали жиннинг стэнд ўрнатмаси

7-расм. 30 аррали пластинкасимон қозикли тароқли жиннинг стэнд ўрнатмаси

Тажриба бошидаги пахта хом ашёсининг кўрсаткичлари қуйдагича эди:
С-6524 – саноат нави 1, 1 класс, намлиги 9,0 %, ифлосланганлиги 2,9 %, ўликланганлиги 0,6 %, чигитларнинг механик шикастланганлиги 3,1 %;
Ан-Баяут-2 - саноат нави 1, 2 класс, намлиги 9,6 %, ифлосланганлиги 3,85%, ўликланганлиги 0,67%, чигитларнинг механик шикастланганлиги 0,5%;
Бухара - 6 - саноат нави 1, 1 класс, намлиги 8,3 %, ифлосланганлиги 3,32%, ўликланганлиги 0,35%, чигитларнинг механик шикастланганлиги 0,25%;
Оқ-Дарё 6 - саноат нави 1, 1 класс, намлиги 8,89%, ифлосланганлиги 2,75%, ўликланганлиги 0,53%, чигитларнинг механик шикастланганлиги 1,12%;

Чигит тароғи оғиш бурчагининг ўрганилган ҳолатлари математик статистиканинг тахминий (априори) усулида аниқланди. Дастлабки тарировкалаш тажрибалари чигит тароғи оғиш бурчагининг талаб этилган уч ҳолатини ўрнатишга имкон берди.

Пахта хом ашёсининг С-6524 селекцион навини дастлабки ишлаш давомида чигит тароғи оғиш бурчагининг уч ҳолатида тола чиқиши ва жинлаш жараёнининг бошқа кўрсаткичларининг ўзгаришлари 8-расм да келтирилган.



9-расм да келтирилган боғлиқлардан кўришиб тургандай, чигит тароғи оғиш бурчаги ҳолати жинлаш жараёнининг барча кўрсаткичлари сезиларли тасир кўрсатади. Чигит тароғи оғиш бурчаги ҳолати тола чиқиши, чигитларнинг жинлашдан кейинги тўлиқ тукдорлиги ва унумдорлик қийматларининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Аввал бажарилган ишлар натижалари таасдиқланганидек, жинлашдан кейинги чигитларнинг тўла тукдорлиги пасайиши билан тола чиқиши ортади, унумдорлик эса пасаяди. Жинлашдан кейинги чигитларни тўла тукдорлигининг энг паст қиймати чигит тароғининг “қисилган” ҳолатда бўлганида олинган.

Унинг ўртача қиймати 10,8% ташкил этди. Бунда тола чиқиши максимал қийматни, -33,3% ни ташкил этди, унумдорлик эса энг кам-5,2 кг. соатни ташкил этди.

Чигит тароғи оғиш бурчаги ҳолатининг тола чиқиши ва жинлаш жараёнининг бошқа кўрсаткичларига бўлган таъсири Ан-Баяут -2 хом ашё селекцион нави дастлабки ишлангандаги ўзгаришлари 9-расмда келтирилган.

9-расмда келтирилган боғлиқлардан кўришиб турибдики, чигит тароғи оғиш бурчаги ҳолати айнан шундай қонуният бўйича таъсир кўрсатади.



8-расм

9-расм

Кўрсаткичларнинг чигит тароғи ҳолатига нисбатан ўзгариши


2 бўлим. Бунда жинлаш жараёнида чигит тароғи қоziқларининг учидан колосникларгача бўлган масофанинг қоziқларнинг қиялик бурчаги ўзгармас ҳолда бўлганда тола чиқишига ва жинлаш жараёнининг бошқа кўрсаткичларига таъсирининг қонуниятларини ўрганиш натижалари акс эттирилган.

Тажрибалар қоziқларнинг қиялик бурчаги ўзгармас 10 градус бўлгандава чигит тароғининг учидан колосникларгача бўлган масофа 30, 20, 10 мм бўлган ҳолда ўтказилди. Аввалги тажрибаларда қоziқларининг узунлиги 105 мм бўлган чигит тароғи кўрсаткичлари 55 мм бўлганидан афзалроқ бўлгани учун айнан 105 мм бўлган чигит тароғи танлаб олинди.


Тажрибаларнинг натижалари 1- жадвалда, чигит тароғи қоziқларининг учидан колосникларгача бўлган масофанинг қоziқларнинг қиялик бурчаги ўзгармас ҳолда бўлганда тола чиқишига ва жинланган чигитларнинг тўлиқ тукдорлигига боғлиқлигининг графиклари 9, 10-расмларда келтирилган.

1- жадвал ва 10 -расмларда келтирилган тажрибаларнинг натижаларидан кўришиб турибдики, чигит тароғи қоziқларнинг учидан колосникларгача бўлган масофанинг ўзгариши билан чигит тароғи типига боғлиқ бўлмаган ҳолда жинлаш жараёнининг барча кўрсаткичларининг ўзгариши кузатилади. Чигит тароғининг турли типлари қиялик бурчаги ўзгармас ҳолда бўлганда тола чиқишига ва жинлаш жараёнининг бошқа кўрсаткичларига таъсирининг қонуниятларини ўрганилганда бир хилдаги қонуниятлар олинди. Қоziқлар ва колосниклар оралиғи кичрайтирилганда тола чиқиши ортади, чигитларнинг тўла тукдорлиги пасаяди, унумдорлик ҳам пасаяди. Тола ва чигитларнинг

сифати ёмонлашади. Бироқ, кўрсаткичларнинг абсолют қийматлари чигит тароғининг типига боғлиқ ҳолда бир-биридан фарқ қилади.



10-расм. Тола чиқишининг чигит тароғи типига ва қозиқлар учидан колосникларгача бўлган масофага боғлиқ ҳолда ўзгариши



11-расм. Жинлашдан кейинги чигитлар тўлиқ тукдорлигининг чигит тароғи типига ва қозиқлар учидан колосникларгача бўлган масофага боғлиқ ҳолда ўзгариши


Мисол учун, пластинкасимон қозиқли чигит тароғи ишлатилганда, толанинг чиқиши 34,6%, бунда чигит тароғи қозиқлари ва колосниклар оралиғи 10мм. Чигит тароғи қозиқларининг узунлиги 105 мм бўлганда -34,1%.

**Наманган селекцияли биринчи нав иккинчи синф пахта хом ашёсини
дастлабки ишлаш натижалари**


1-жадвал

Чигит тароғининг Г тип	Қайтаришлар	Қозиклар учидан колосникларгача бўлган масофа, мм	Тола				Жинлашдан кейинги чигит		Унумдорлик, кг тола соатига
			Чиқиш, %	Қусурлар ва ифлос аралашмаларнинг г умумийлулиши, %	Узунлиги, мм		Тўлиқ туқдорлик	Механик шикастланган.	
					Штапел	Модалъ			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Фрезаланган қозикли	1	10	33,6	4,2	31,0	28,3	15,2	4,5	9,2
	2			4,5	30,4	28,1			
	3			4,1	30,7	28,1			
	ўр.			4,3	30,7	28,2			
	1	20	33,3	4,5	30,6	26,8	15,4	4,2	9,5
	2			3,8	30,1	27,3			
	3			3,5	30,3	27,1			
	ўр.			4,2	30,4	27,1			
	1	30	32,9	3,7	30,3	27,6	16,6	3,8	10,1
	2			3,9	29,8	26,7			
	3			3,8	29,8	27,8			
	ўр.			3,8	30,0	27,4			
қозикларининг узунлиги 105мм.бўлган	1	10	34,1	3,9	30,7	27,6	13,6	3,45	9,1
	2			3,5	29,6	26,9			
	3			4,6	30,8	27,9			
	ўр.			4,0	30,4	27,5			
	1	20	33,8	3,4	29,9	26,9	14,06	2,7	9,7
	2			3,3	30,3	27,2			
	3			3,7	30,4	27,1			
	ўр.			3,4	30,2	27,1			
	1	30	33,5	3,8	29,9	27,5	16,6	2,2	9,8
	2			3,7	29,3	26,7			
	3			3,8	30,2	27,7			
	ўр.			3,8	29,8	27,3			
пластинка симон қозикли	1	10	34,6	3,8	30,3	26,8	12,46	3,5	9,7
	2			4,2	30,7	27,6			
	3			4,1	30,4	27,1			
	ўр.			4,0	30,5	27,2			

	1			4,2	30,7	28,3			
	2	20	34,3	4,1	30,5	28,1	12,86	2,72	9,8
	3			4,3	31,0	28,3			
	ўр.			4,2	30,7	28,2			
	1			3,0	31,4	27,7			
	2	30	34,1	3,4	30,9	28,7	13,8	2,2	10,5
	3			3,3	30,8	28,0			
	ўр.			3,2	31,0	28,1			



12- расм. Толадаги қусурлар ва ифлос аралашмаларнинг умумий улуши



13-расм. Жинлашдан кейинги чигитларни механик шикастланганининг ўзгариши

Кейинги кўрсаткичлар оралиғи 20 ва 30мм. бўлган пластинкасимон ва қозиклар узунлиги 105мм. бўлган чигит тароғи ишлатилганда олинган ва мос равишда 34,3 %, 33,8 % и 34,1 %, 33,5 % бўлган. Айнан шу кўрсаткич фрезаланган қозиклар учун 33,6 % ни ташкил этган. Кўриниб турибдики, пластинкасимон қозикли чигит тароғи тола чиқишининг абсолют қийматларида устунликка эга.

Чигитларнинг тўла тукдорлиги пластинкасимон қозикли чигит тароғи учун куйидагича: 12,46 %, 12,86 %, 13,8 %, чигит тароғи қозикларининг узунлиги 105 мм., оралиғи 20 ва 30мм. бўлганда мос равишда 13,6 %, 14,06 %, 16,6 %. Бу малумотлардан кўриниб турибдики, пластинкасимон қозиклар жинланган чигитларнинг тўлиқ тукдорлиги кўрсаткичи бўйича ҳам афзалдир.

Тола ва чигитларнинг сифатига келсак, улар чигит тароғи қозиклари ва колосниклар оралиғи масофасининг ўзгаришига тўғри пропорционал ҳолда боғлиқ, яъни бумасофанинг ортиши билан тола ва чигитларнинг сифати яхшиланади. Бунинг исботи сифатида куйидаги кўрсаткичларни келтирсак бўлади; толада энг кам қусурлар ва ифлос аралашмалар 3,23% бўлганда, пластинкасимон қозиклар оралиғи 30мм. бўлган, бу кўрсаткич 3,8% бўлганда худди шундай оралиқли қозиклари 105 мм. бўлганда олинган. Толада энг кам қусурлар ва ифлос аралашмалар бўйича энг ёмон кўрсаткич фрезаланган чигит тароғида бўлиб - 7,2 5% ташкил этди. Пластинкасимон қозиклар оралиғи 10 мм. бўлганда, қусурлар ва ифлос аралашмаларнинг умумий улуши 4% ташкил этди, қозикларининг узунлиги 105 мм. бўлганда 4,0 % бўлди. Бу маълумотлардан ҳам пластинкасимон қозикли чигит тароғининг афзаллиги кўриниб турибди.

Диссертациянинг «**Чигит тароғининг типи ўзгариши билан жинлаш жараёнидан олинган махсулотларнинг сифатига таъсири ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этишдан олинган иқтисодий самарадорлик хисоби**» деб номланган тўртинчи боби чигит тароғининг типи ва уни асосий параметрларининг тола чиқишига ва жинлаш жараёнининг бошқа кўрсаткичларига таъсирини ўрганишга бағишланган, ҳамда диссертация натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишдан келадиган иқтисодий самарадорлик хисоблари келтирилган.

Бунда чигит тароғининг тўрт типи ўрганилди- яъни қозикларининг узунлиги 55мм. бўлган (14-расм), қозикларининг узунлиги 105мм. бўлган (15-расм), фрезаланган қозикли (16-расм), пластинкасимон қозикли(17-расм). Юқорида қайд этилган чигит тароғли ишлаб чиқилган камералар лаборатория корпусида ўрнатилган 30 аррали жин моделида пахта хом ашёсининг Наманган 77 навининг 2 нав, 2 синфда дастлабки ишлашда синовдан ўтказилди.



Қозикларининг узунлиги 55мм. бўлган
чигит тароғи
14-расм



Қозикларининг узунлиги 105мм.
бўлган чигит тароғи
15-расм.



Фрезаланган қозикли чигит тароғи
16-расм



Пластинкасимон қозикли чигиттароғи
17-расм

Дастлабки ишланаётган пахта хом ашёсининг сифат кўрсаткичлари 2- жадвалда келтирилган.

Ишланаётган пахта хом ашёси сифат кўрсаткичларининг лаборатория таҳлиллари

2-жадвал

пахта хом ашёси			сифат кўрсаткичлари, %				
Селекцион нав	Саноат нави	Синфи	Намлиги	Ифлосланган-лиги	Уликланган-лиги	Чигитларнинг механик шикастланган.	Эркин тола
Наманган 77	I	2	9,10	8,12	0,61	2,20	1,7


Чигит тароғи типининг тола ва чигит сифати кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш бўйича тажриба натижаларининг ўртача қийматлари 3-жадвал да, боғлиқлик графиклари эса 18-расм да келтирилган.

Чигит тароғининг типининг тола чиқишига ва жинлаш жараёнининг бошқа кўрсаткичларига таъсири

3-жадвал

чигит тароғининг тип	Қайтаришлар	тола чиқиши, %	Жинлашдан кейинги чигитнинг ўла тукдорлиги, %	Унумдорлик Кгаррага соат
1	2	3	4	7
қозикларининг узунлиги 55мм. бўлган	1	34,2	16,3	9,8
	2	34,15	16,12	
	3	34,05	15,88	
	ўр.	34,13	16,1	
қозикларининг узунлиги 105мм. бўлган	1	34,18	15,25	9,1
	2	34,15	15,16	
	3	34,1	14,89	
	ўр.	34,14	15,1	
фрезаланган	1	34,26	15,3	

ҚОЗИҚЛИ	2	34,16	15,12	9,0
	3	34,18	15,18	
	ўр.	34,2	15,2	
ПЛАСТИНКАСИМОН ҚОЗИҚЛИ	1	34,86	13,8	10,5
	2	34,58	14,21	
	3	34,54	13,39	
	ўр.	34,66	13,8	



18-расм. Чигит тароғи типига боғлиқ ҳолда тола чиқишининг ўзгариши.

ХУЛОСА

Бажарилган назарий-экспериментал тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни чиқаришга ва тавсиялар беришга имкон беради:

1. Замонавий аррали жинлар зичлиги юқори бўлган хом ашё валиги билан ишлайди, бу эса қуйидаги салбий ҳолатларга олиб келади;

а) колосникли панжаранинг юқори зонасида юз берадиган тиқинлар оқибатида жиннинг тез-тез тўхтаб қолишига, тиқинларни бартараф этиш давомида толанинг йўқотилишига ва табиийки, толачи қишининг пасайишига ҳам олиб келади.

б) хом ашё валигини айлантириш учун электр знергияси сарфининг ортишига олиб келади;

в) ишлаб чиқарилаётган тола ва чигит сифатининг бузилишига олиб келади;

г) Арра тишларининг тезда ўтмаслашишига олиб келади;

д) Ҳозирги вақтда ишлатилаётган чигит тароқлари маълум камчиликка эга – икки ишчи параметри ўзгариб туради, яъни чигит тароғининг оғиш бурчаги

ва қозиклар учидан колосникларгача оралиғи масофасининг бир вақтда ўзгаришидир.

2. Деформацияланган қаттиқ жисм механикаси назарияси асосида хом ашё валиги ва жин аррасининг ўзаро таъсири жараёнининг кучланганлик-деформацион ҳолатини аниқлаш усули ишлаб чиқилди.

3. Хом ашё валигининг чигит тарағи зонасидаги солиштирма босими ва силжишининг қийматларини ҳисоблаш учун олти ноъмалумли олтитатенгламалар системасидан иборат математик модел олинди.

4. Олинган математик моделни ЭХМ да ечиш учун тегишли дастурлар ишлаб чиқилди ва тузилди.

5. ЭХМ да сон қийматли натижалар олинди. Системанинг берилган физик-механик ва геометрик параметрлари учун солиштирма боғланиш босими ва силжишининг қийматларини ҳисобланди. Аниқландики, боғланиш босимихом ашё валигининг таранглиги (зичлиги) ва унинг бурчак тезлигига сезиларли даражада боғлиқ экан.

6. Ҳисоблашлар бўйича олинган хом ашё валигининг боғланиш босими ва силжиши қийматларининг ҳисоблашлари бўйича олинган график маълумотлари асосида хулоса қилиш мумкинки, хом ашё валигининг зичлиги камайиши билан чигитли толаларни тутиб қолиш шароити ёмонлашади. Бунга сабаб шуки, хом ашё валигининг боғланиш босими ва силжиши қийматлари вақт давомида ўзгариб туради, яъни бошида чигитли тола арра билан боғланишда бўлса, секундлар улушида бу боғланиш йўқолади ва ўз навбатида боғланиш босими ўзгаради.

7. Назарий тадқиқотлар натижалари бўйича хом ашё валигининг зичлиги камайиши билан жинлашдан кейинги чигитларнинг тўлиқ тола тукдорлигини ортишини ҳам асосласа бўлади, яъни бунинг сабабларидан бири арранинг чигитли толаларни тутиб қолиш шароити ёмонлашиши - хом ашё валиги боғланиш босими ва силжишининг ўзгариши.

8. Хом ашё валиги чигит тарағини оғиш бурчагининг оқилона ҳолатини аниқлаш бўйича ҳам экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Аниқландики, хом ашё валиги чигит тарағини оғиш бурчаги чигитларнинг ишчи камерада қолиш вақтига сезиларли таъсир ўтказади.

9. Экспериментлар асосида аниқландики, чигит тарағини энг маъқул ҳолати “қисилган” ҳолат - бироқ бунда жиннинг унумдорлиги пасаяди, тола ва чигит сифати ёмонлашади. Шунинг учун, толанинг чиқиши, сифати, чигитнинг сифати ва унумдорликнинг энг оқилона кўрсаткичларини таъминлайдиган ҳолат - чигит тарағи қозикларининг ўқи аррали цилиндрнинг горизонтал ўқидан 10 градус юқорига йўналтирилган ҳолатидир.

10. Хом ашё валиги чигит тарағини тўрт типининг қиёсий синовлари ўтказилди. Жинлашдан кейинги чигитларнинг тўлиқ тола тукдорлигининг энг кам қиймати пластинкасимон чигит тарағини ўрнатилганда олинди, Унинг ўртача қиймати 13,8 % ни ташкил этди. Бунда толанинг чиқиши максимал қийматга эга бўлиб - 34,6 % ни, иш унумдорлик эса энг юқори - 10,5 кг. арра/соатни ташкил этди.

11. Чигит тароғи қозикларининг учидан колосникларгача бўлган масофанинг уларнинг 10, 20, 30 мм қийматларида жинлаш кўрсаткичларига таъсири ўрганилди. Тола чиқишининг энг юқори кўрсаткичи - 34,6 %, пластинкасимон қозиклар оғиш бурчаги 10 мм бўлганда олинган барча кўрсаткичларнинг оптимал қийматлари –тола чиқиши, тола ва чигитларнинг сифати тўла тукдорлик, унумдорлик учун энг оптимал масофа 25 мм эканлиги тан олинган.

12. Иш натижаларининг пахта тозалаш саноатига жорий этилишидан кутилаётган иқтисодий самара бир пахта тозалаш корхонасига йилига 31.12.2019 йил нархлари бўйича 100,9 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**АО «ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ»
НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

МАРУФХАНОВ БЕКЗАДХАН ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

**“СНИЖЕНИЕ ОПУШЕННОСТИ СЕМЯН В ПИЛЬНОМ ДЖИНЕ ПУТЕМ
СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СЕМЕННОЙ ГРЕБЕНКИ”**

05.06.02 - Технология текстильных материалов и первичной обработки сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.3.PhD/T1332.

Диссертация выполнена в АО «Пахтасаноат илмий маркази» и Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен в веб-сайте Наманганского инженерно-технологического института (www.nammti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Агзамов Мирсалих доктор технических наук, с.н.с.
Официальные оппоненты:	Эргашев Жамолиддин Саматович доктор технических наук, профессор Шухратов Шароф Шухратович доктор философии по техническим наукам (PhD)
Ведущая организация:	Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «27» июль 2021 года в 10:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под №398). Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел: (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «12» июль 2021 года
(Протокол рассылки №37 от «12» июль 2021 года)

	Р.М.Муродов Председатель научного совета по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор
	Х.Т.Бобожанов Ученый секретарь научного совета по присуждению ученой степени, д.т.н., доцент
	К.М.Холиков Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Использование энергосберегающих технологий и оборудования в мировом производстве хлопкового волокна является одной из важнейших задач. «На мировом уровне перерабатывается и производится 24 млн. тонна хлопковой волокна»¹, а это требует внедрения высокоэффективных машин для получения качественного волокна из хлопка-сырца, в связи с чем важно совершенствование оборудования и устройств для производства волокна.

В мире проводятся исследования, направленные на разработку новых научно-технических решений для ресурсосберегающих технологий и технических средств отделения волокон от семян в процессе хлопкоочистки. В связи с этим особое внимание уделяется разработке энергосберегающих машин для отделения волокон, обоснованию их технологических параметров и режимов работы.

Для переработки хлопка-сырца у нас в республике принимаются комплексные меры по снижению энергопотребления, экономии ресурсов, разработке ресурсосберегающих методов и технологий, позволяющие снизить потери волокон, в результате чего достигнуты определенные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи, среди которых «... повышение конкурентоспособности национальной экономики, снижение расхода топлива и сырья, повсеместное внедрение энергосберегающих технологий в производство. ...»² при выполнении которых важно создавать технически и технологически модернизированные машины, позволяющие снизить потери волокна в процессе производства.

Данное диссертационное исследование в некоторой степени способствует выполнению задач, поставленных Президентом Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. в постановлении № ПФ-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 6 марта 2020 года № ПП-4633 «О мерах по широкому внедрению рыночных принципов в хлопковый сектор», в Постановлении № 397 от июня 2020 года «О мерах по дальнейшему развитию хлопковой и текстильной промышленности» и других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследований и приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследования выполнены в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики «Энергия, энерго-ресурсосбережение» раздел II.

Степень изученности проблемы. Над вопросами улучшения семенной гребенки пильного джина, повышением ресурсоэффективности работы машин,

¹ <http://www.fao.org/faostat/#>; <https://www.zerno-ua.com>.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан».

качества получаемого волокна работали многие ведущие ученые, в том числе Г.И. Махмудов (Россия), М.С. Каратаев (Казахстан), А.Ф. Плеханов (Казахстан), Н. Гохлич (США), Н. Сингх (Индия), Н. М. Иванов (Россия), С. М. Карташевич (Беларусь) и другие.

В нашей стране были проведены ряды исследований по увеличению производительности пильного джина, оснащению его ресурсосберегающими деталями и снижением энергопотребления следующими учеными: Р.Г. Махкамовым, П.Н. Тютиным, И.Т. Максудовым, А.Джураевым, А.Е. Лугачевым, М.Тиллаевым, М.Агзамовым, Б.М. Мардоновым, Н.З. Камаловым, А.П. Парпиевым, Х.Т. Ахмедходжаевым, Д.М. Мухаммадиевым и др.

Результаты анализа проведенных исследований показали, что вопросы переработки хлопка, особенно в области выделения проджинированных семян в зоне семенной гребенки, а также процесса взаимодействия хлопка-сырца и зубьев пилы, изучены недостаточно. В этой связи актуальной задачей является разработка высокоэффективной и экономичной семенной гребенки новой конструкции для последующего внедрения ее на хлопкоочистительных предприятиях страны.

Связь темы диссертации с научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполняется диссертация. Исследования диссертации проведены в рамках проекта ОТ-Итех-2018-86 «Внедрение в производство высокоэффективного, инновационного, автоматизированного джина, созданного с использованием новых способов джинирования хлопка-сырца»

Целью исследования диссертационной работы является теоретико-экспериментальное обоснование повышения выхода волокна совершенствованием процесса вывода семян из рабочей камеры.

Задачи исследований:

разработка математической модели процесса взаимодействия сырцового валика и пильного цилиндра в зоне семенной гребенки;

разработка метода определения напряженно-деформированного состояния сырцового валика и изучение его радиального деформирования;

определение величины удельного давления на сырцовый валик и деформация сырцового валика в зоне семенной гребенки;

исследование влияния типа, размера, угла наклона семенной гребенки на выход волокна и другие показатели процесса джинирования в условиях джинирования с сырцовым валиком малой плотности;

разработка новой конструкции семьявыводящего механизма с семенной гребенкой и проведение сравнительных испытаний.

Объектом исследования является процесс выделения проджинированных семян из рабочей камеры пильного джина.

Предметом исследования является влияние параметров семенной гребенки на процесс вывода проджинированных семян из рабочей камеры джина.

Методы исследований. В основу теоретических и экспериментальных исследований положены физические и математические модели, и их анализ проведен на основе общих законов теоретической механики. Расчеты новых элементов рабочих органов пильного джина проводились с использованием основных положений теоретической механики и современных методов математической статистики. Основой для исследований явились работы: Б. Левковича, Г.Болдинского, Д.Котова, Г.Мирошниченко, П.Тютина, А.Парпиева, Э.Максудова, Р.Каттаходжаева, М. Тилляева, Н.Камалова, А.Узбекходжаева, М.Агзамова, Р.Муродова, Х.Ахмедходжаева и др.

